

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Тожалиев Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида муҳим омил	66
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Н.Каримов Исҳоқхон Иброт: янги маълумотлар.....	69
Ҳ. Худоймуродова “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти”да биографик метод.....	74
О.Абобакирова Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услубий хусусиятлари	77
ТИЛШУНОСЛИК	
М.Ҳакимов, М.Ғозиева Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
Р.Шукуров, Г.Жўрабоева Исҳоқхон Ибротнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили	87
О.Бегимов Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир	92
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Л.Ахмедова Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш	96
Ж.Жалолов Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
А. Ўринов, Г.Собиржонова Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
Д.Орипов Қаср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида	108
Н.Тўхтасинова Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари	111
Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айрим масалалари	113
М.Усманов Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
М. Раджабова Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар)	118
Б.Бахриддинова Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар.....	121
З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили	124
И.Ҳожалиев, И.Аҳмаджонов Термин ва талқин муаммосига доир	127
Б.Қурбонова, З.Каримова Ўзбек ва қирғиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши.....	130
Г.Икромова Шароф Бошбеков драмаларининг айрим фонетик хусусиятлари	132
ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси	135
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	137

УДК: 371+4+(075.5)

ЧЕТ ТИЛИНИ ҶЎҚИТИШ МАЗМУНИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҶЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ (методологик нуқтаи назар)

Ж.Жалолов

Аннотация

Мақола чет тили ўқув предмети мазмунининг таркибий қисмларини қайта кўриб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишининг замонавий муаммоларини ҳал қилишга бағишланган.

Annotation

The article is dedicated to the necessity of reviewing the content of teaching foreign languages and the practice of learning within modern educational technologies

Аннотация

В статье говорится о необходимости пересмотра составляющих содержания обучения иностранному языку и практике обучения в рамках современных учебных образовательных технологий.

Таянч сўз ва иборалар: таълим мазмуни, методик тайёрлаш, ўргатиш-ўрганиш босқичлари, коммуникатив компетенция, машқлар системаси, коммуникатив-когнитив метод, тил ва маданият, вербал ва невербал воситалар, маданиятлараро мулоқот.

Ключевые слова и выражения: содержание обучения, методическое препарирование (методическая организация), стадии обучения и изучения, коммуникативная компетенция, система упражнений, коммуникативный-когнитивный метод, язык и культура, вербальные и невербальные средства, межкультурная коммуникация.

Key words and expressions: content of teaching, methodological preparing, stages of teaching and learning, communicative competence, the system of exercises, communicative and cognitive method, language and culture, verbal and nonverbal teaching aids, intercultural (cross-cultural) communication.

Таълим мазмуни масаласи ҳар қандай ўқув предметини ўргатиш методикасида энг муҳим тушунчалардан бири ҳисобланади. Чунки, ушбу соҳада нимани ўргатамиз, деган саволга жавоб изланади. Бунда эса, ўз навбатида таълим мақсадлари, оддий қилиб айтганда, нима учун ўргатамиз, саволига жавоб бўлади. Бу икки лингводидактик муаммони ҳал қилиш орқали қандай қилиб ўргатамиз (таълим методлари) деган назарий ва амалий аҳамиятга молик лингводидактик тушунчага ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, чет тил ўқитиш мазмуни ўта муҳим методологик масала ҳисобланади.

Биринчи навбатда, таълим мазмунининг таркибий қисмларини аниқлашга тўғри келади. Бунда, аввало, 1967 йилда Москвада нашр этилган “Общая методика обучения иностранным языкам в средней школе” номли асарда, илк бор чет тил таълими мазмунининг таркибий қисмлари аниқланган. Ушбу йирик монографиядаги ўқитиш мазмунига бағишланган боб А.А. Мироллюбов қаламига мансуб бўлиб, таълим мазмунининг саккиз қисмдан иборат эканлиги чет тил ўқитиш методикасининг атоқли намоёндалари И.В.Рахманов, В.С.Цетлин ва бошқа бир қатор методистлар томонидан

нашрга тайёрланган мазкур лингводидактик манбада биринчи марта муҳокама этилаётган мавзуга муфассал тўхтаб ўтилган. Тўғри, эслатиб ўтилган бобда таълим мазмунининг саккизта таркибий қисми назаримизда мақбул ғоя эмас деб биламиз.

Жаҳон миқёсида инновацион ғоялар кенг тарқалаётган бир пайтда, адолат нуқтаи назаридан қараганда, номлари келтирилган таркибий қисмлар асосан учта категория билан ифодаланиши мумкин. Масала шундаки, “Общая методика” ёзилгандан буён таълим мазмуни тушунчаси доирасида кўплаб оригинал фикрлар пайдо бўлди. Таклиф этилаётган муаммога тегишли рус тилида бир қатор йирик монографиялар нашрдан чиқарилди: Ш.И.Шатиришвили - 1974, А.Д.Климентенко (махсус муҳаррир)- 1981, Б.А.Лapidус - 1986, Ж.Ж.Жалолов – 1987 ва бошқа кўплаб муаллифлар яратган илмий методик манбалар шулар жумласидандир.

Чет тил ўқитиш мазмунига инновацион янгилик сифатида ёндашиб, каминанинг таълим мазмунига оид илмий мақоласида [1,4-10] чет тил ўқитиш мазмуни йирик учта таркибдаги лингводидактик тушунчалар мана бундай чегараланган: 1)

Ж.Жалолов – ТДПУ профессори.

нутқ мавзулари; 2) нутқий кўникмалар; 3) нутқий малакалар.

Мазкур учта таркибий қисм маъқул топилганининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, А.А. Миролубов талқинида матн ҳодисаси ҳам алоҳида таркибий қисм сифатида олинган, ваҳоланки, нутқ мавзулари тушунчаси матнни қамраб олади;

Иккинчидан, олим тавсия қилмоқчи бўлган ўқувчининг она тилида мавжуд бўлмаган чет тил ҳодисаси ҳам таълим мазмунининг алоҳида қисми сифатида нотўғри талқин этилган (масалан, инглиз тилида артикль). Бундай қатъий фикр билдиришимизнинг сабабини махсус тушунтиришга тўғри келади. Гап шундаки, чет тилдаги лисоний бирликлар, лексика, грамматика ёки талаффузга тегишли бўлиб, она тилида уларнинг эквиваленти бор йўқлигига қараб таълим мазмунида умумий тарзда ўрин олади.

Қисқаси, ўқувчи учун қийинчилик туғдириши ёки мураккаблик касб этиш, этмаслиги тил материални ўргатиш мазмунига киритилади.[2,110]

Учинчидан, чет тилда ўрганилиши мумкин бўлган қоидалар ҳам алоҳида муҳокаматалаб ўқув материаллари ҳисобланади. Масала шундаки, ўрганилаётган чет тил амалий курсида назарий маълумотлар тил ҳақида берилмайди. Бироқ, ўқувчи она тилисида мавжуд бўлмаган ҳодисалар юзасидан пайдо бўладиган лисоний қийинчиликлар кўникмани шакллантириш жараёнида йўл-йўлакай бериладиган алгоритмик йўналишдаги оддий тушунтиришлар ёрдамида бартараф этилади. Масалан, инглиз тилида нарса ва ҳодиса номлари олдида артикль қўлланади: **a pen**, ёки яна бир мисол, инглиз тилида кўп нарса ва ҳодисани ифодалаш учун сўзга “s” қўшиб айтилади: **pens**. Ушбу ҳодисаларга боғлиқ содда маълумотлар дидактикадаги зарурийлик ва етарлилик принципига кўра қўшимча қилиб борилади: **apen – pens; anegg** ва.ҳ.к.

Шундай қилиб, чет тил ўқитиш мазмуни, оддий тилда ифодалаганда, мавзулар (оғзаки нутқ, ўқиш, ёзув) учун чет тил материали (лексика, грамматика, талаффуз ва содда тилда бериладиган

тушунтиришлар), нутқ фаолиятининг асосий турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув) кабилардан иборат.

Чет тил таълими мазмуни лингводидактик тушунчасини замонавий инновацион ғоялар асосида аниқлаганимиздан сўнг ушбу мазмунни таълим учун тайёрлаш ҳақида фикр баён этишга киришамиз. Шу мақсадда лингводидактиканинг муҳим тушунчаларидан бири бўлмиш таълим шароити масаласи билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқамиз.

Чет тил таълими шароити деганда, қуйидаги лингводидактик тушунчалар назарда тутилади: 1) ўқув муассасасининг тури; 2) талаба (ўқувчи)нинг психологик-типологик хусусияти; 3) талаба (ўқувчи)нинг мавжуд тил тажрибаси; 4) ўқув предметида ажратилган вақт (дарс соати).

Қайд этилган таълим шароити таркибий қисмлари нуқтаи назаридан таълим мазмуни тайёрланади. Мана энди таълим мазмуни тайёрлаш босқичлари ҳақида мухтасар фикр юритамиз. Таълим мазмуни тайёрлашнинг биринчи босқичи – танлаш (selection) номини олган. Иккинчи босқич - тақсимот (distribution or methodological organization рус. методическое препарирование). Учинчи босқичда таълим мазмуни тасниф этилади (methodological typology). Келтирилган фикр мулоҳазалардан яққол кўринадики, методикада маълум ва манзур бўлган танлаш принципларига риоя қилинган ҳолда мавзуй ва лисоний минимумлар яратилади. Танланган минимумларнинг тақсимооти актив ва пассив тил материални аниқлаш ва синфма-синф машқлар турларини яратиш мақсадига бўйсундирилади.

Таълим мазмуни тайёрлашнинг биринчи босқич маҳсули чет тил ва она тилининг қиёсий типологияси оқибатида осон ёки қийин гуруҳларга ажратилади. Бунда тиллараро типологик лингвистик таҳлил методидан фойдаланамиз. Иккинчи босқич натижасида эса тил ички лингводидактик таҳлил методини қўллаймиз. Масалан, артикль ҳодисасининг машқлардаги тақсимооти оқибатида уни ўта қийин бўлганлиги муносабати билан алгоритмик порция (step)ларга ажратиб, лингвистик таҳлилда намоён бўладиган баъзи қийинчиликларнинг олди олиниши

мумкин. Мисол келтирамиз, **a pen** сўзини ёзма шаклини ўргатганимизда нарса ва ҳодисалар номи олдида артикль ишлатамиз деган эдик. Энди артикльнинг бошқа функциялари ва шаклларини ўрганишимизда олдинги маълумотга қўшимча қиламиз: **a, an** ноаниқ артикль саналади, **the** эса аниқ артикль деб юритилади.

Шундай қилиб, қийинчиликларни тарқатиб бериш принципига риоя қиламиз. Таълим мазмунини тайёрлашнинг сўнги босқичида айтилган фикрларга алоҳида эътибор қаратилади.

Энди таълим мазмунини ўргатиш босқичлари ҳақида фикр баён этишга киришамиз. Педагогик психология фанида билим ўзлаштириш жараёнини тўрт босқичли таълимий категория сифатида шарҳлашади. Ушбу назарий маълумотни чет тил ўқитиш мазмунига татбиқ этганимизда қуйидаги тушунчалар билан боғлашимиз мумкин: ўргатишнинг биринчи босқичида ўқув материални тақдим этиш (*dynamic presentation*) билан машғул бўламиз.

Шу ерда изоҳталаб лингводидактик ҳодисага дуч келамиз яъни таълим мазмунини тайёрлашнинг сўнги босқичида ҳам тақдимот ҳақида сўз юритган эдик. Ҳозирги тақдимот билан уни қиёслашга тўғри келади.

Аввалги тақдимот дарслик муаллифлари томонидан амалга оширилган бўлиб, ўқитувчилар учун мўлжалланган эди. Буниси эса бевосита дарс жараёнида бажариладиган тақдимотдир. Ўргатишнинг навбатдаги босқичи машқ қилиш (*training*) бўлиб, унда ўрганилаётган лисоний ҳодисаларни қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш ва нутқий малакани шакллантириш (*using*)га эришишдир. Ушбу учинчи босқичда талаба бевосита ахборот узатиш ва идрок этиб тушуниш билан машғул бўлади. Бу дегани тақдимот, машқ қилиш ва қўллаш масалаларини тадрижий ҳолда ташкил этиш демақдир. Биринчи ва иккинчи босқичда лисоний қийинчиликларни бартараф этиш машқларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Учинчи босқичда эса, нутқий малака шаклланганлиги муносабати билан ахборот алмашиш жараёни ва маҳсули ҳақида фикр юритишимиз мумкин. Энди таълим мазмунини уч босқичда ўрганиш самарадорлигини аниқлаш учун талабалар

эришган натижани баҳолаш (*assessment*) билан шуғулланамиз. Мабодо натижа қониқарсиз бўлса, талабаларни қўшимча машқлар бажаришга жалб этамиз. Бу турдаги таълимий машқларда хатога йўл қўйилса, уларни бартараф этиш учун ўқитувчи махсус топшириқ беради. Изоҳ ўрнида айтишимиз жоизки, талабалар хатога йўл қўймаганда қўшимча машқлар ўтказишга ҳожат қолмайди.

Таълим мазмунини ўргатиш босқичларини таърифлашда лингводидактиклар томонидан турлича ёндашувлар тавсия этилганлигини кўрамиз. Жумладан, инглиззабон олимлар биз қўллаётган **training** ва **using** сўзлари ўрнига **practice** ва **production** [3] терминларини қўллашган. Мазкур ҳолатга муносабат билдириб, шуни алоҳида таъкидлашимиз мумкинки, терминологик турфалик кузатилаётганлигидан қатъий назар, моҳият ўзгармайди. Лекин назаримизда ўргатиш босқичларининг ҳаммаси **practice** номи билан ҳам берилиши мумкин. Иккинчи томондан эса, **practice** билан **production** терминларини **training** ва **using** сўзлари билан алмаштирганимизда ўрганиш жараёнини аниқроқ тасаввур этиш имконияти яратилади.

Ўргатиш – ўрганишнинг тўртинчи баҳолаш (*assessment*) босқичида талабани асосий эътибори нутқий фаолият юритишга қаратилади. Биламизки, нутқий фаолият ўрганилаётган чет тил воситасида ахборот олиш (тинглаш ва ўқиш ёрдамида) ва ахборот узатиш (гапириш ва ёзувда) амалга оширилади. Ўқувчи – талаба эгаллаган нутқий малакалар (коммуникатив компетенция)ни баҳолашда ўқувчилар эришган нутқ маҳсулига ўқитувчи муносабат билдиради. Демак, дарс жараёнида ўтказиладиган машқлар ўқитувчи раҳбарлигида бажарилишига қарамасдан у ёки бу гуруҳ (синф)ларда турли даражада ўзлаштирилиши табиий ҳолдир. Бинобарин, статик ва динамик тақдимотларнинг мазмунида фарқланиш пайдо бўлади, дарс жараёнида ўзлаштиришга берилган машқлар тартибида эмас, балки у машқлар орасида ўқитувчи томонидан тавсия этиладиган қўшимчалар ҳам бўлиши мумкин.

Таълим мазмунини ўргатиш технологияларига келганда, аввало, шуни

таъкидлаш лозимки, замонавий инновацион ғояларга суяниб иш қўрилади. Инлизабон лингводидактлар эътироф этганларидек, маданиятлараро мулоқотни ўргатиш зарурияти мавжуд [4]. Қўшимча қилиш мумкинки, русий забон тадқиқотчилар илгари сурган коммуникатив – когнитив методи [5] доирасида машғулотлар олиб борилади. (Изоҳ: профессор Шатилов С.Ф. ва Смирнов И.Б коммуникатив – когнитив ёндашув терминини қўллашган, аслида бу коммуникатив ёндашув таркибидаги метод ҳисобланади). Айтилганларга қўшимча тарзда яна бир лингводидактик муаммога эътибор қаратишимиз зарур. У ҳам бўлса, вербал ва невербал воситаларни меъёрида ишлата билиш муаммоси манбаларда баён этилган.

Охири сатрларда эслатиб ўтилган фикр–мулоҳазалар чет тил ўқитишнинг замонавий методларига асос бўлган.

Хулоса ўрнида қуйидаги тавсияларни беришни лозим топдик:

1) ҳар қандай таълим жараёни у ёки бу таълим мазмунини ўргатишни тақозо этади. Юқорида биз тўрт таркибли таълим мазмунини энг сўнгги инновацион ғоя сифатида мақбул кўрдик; 2) ўргатилмиш таълим мазмунида вербал ва невербал воситаларни фарқласа, уларни маданиятлараро мулоқот назариясига бўйсундириш ва чет тил ўқув предмети ёрдамида когнитант(тил воситасида маданиятлараро билим соҳиби)ни шакллантиришга эришилади; 3) ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва амалда татбиқ этиш. Шунингдек, Европа Иттифоқи ишлаб чиққан CEFR маълумотларидан фойдаланишни ҳам ўринли деб ўйлаймиз.

Адабиётлар:

1. Жалалов Ж.Ж. Современный дидактический статус учебного предмета иностранный язык. Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари. Илмий - назарий журнал. -№1. -2014.
2. Джалалов Д.Д. Проблемы содержания обучения иностранному языку: Монография /Ответственный редактор Г.А.Абдурахманов. –Т.: Фан, 1987.
3. Nunan D. Designing Tasks for the communicative Classroom, 1999.; Second language Teaching and Learning, USA, Heinle and Heinle Publishers, 1999.; Richards J. & Rodgers T. Approaches and Methods in Language Teaching, 2001.; Willis J. A Framework for Task – Based Learning. – Harlow:Longman, 1999.; Shehadeh, Ali Task – Based Language learning and Teaching: Theories and Applications. Ed.by Edwards C.& Willis J. Basingstoke, UK.:Plag, rave Macmillan Ltd, 2005.
4. Byram M., Morgan C. Teaching-and-learning language-and-culture. – Clevedon, Philadelphia, Adelaide: Multicultural Matters Ltd.,1994.; Carol M. Aspects of English and Culture. – San Francisco, Chandler and Sharp Publisher Inc.,1978.-153p.; Sapir E. The psychology of culture: a course of lectures / Ed. Irvine J.T. – Berlin: Mouton de Gruyter,1993. – 266p.; Seelye H.N. teaching culture: strategies for intercultural communication. – Lincolnwood, Illinois: National Textbook Company, 1997.-336p.; Stewart E.C.,Bennet M.J. American cultural patterns. A cross-cultural perspective.-USA: Intercultural Press,Inc., 1991.-192p.; Swiderski R.M. Teaching Language, learning culture. – London: Bergin and Garvey, 1993.-233p.; Harmer J. How to teach.5th. Ed.Harlow.Longman.-2009.
5. Гудков Д.Б. Межкультурная коммуникация: проблемы обучения.-М.: МГУ, 2000.; Кабакчи В.В. Практика англоязычной межкультурной коммуникации. –Москва коммуникации.-М.: 2007.-120с.; Шатилов С.Ф., Смирнов И.Б. Коммуникативно – когнитивный подход к обучению грамматике иностранного (немецкого) языка в общеобразовательной средней школе // Роль и место грамматики в обучении иностранному языку: Сборник материалов международной конференции. Ч.1.-СПб.: ИОВ РАО, 1998.; Щепилова А.В. Коммуникативно-когнитивный подход к обучению французскому языку как второму иностранному. – М.: ГОМЦ “Школьная книга”, 2003.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)